



**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА
УНИНГ УРБАНИЗАЦИЯГА ТАЪСИРИ**

<https://doi.org/10.70728/a.series.v08.i03.146>

Қучқаров Қахрамон Қурбонович

Шахрисабз давлат педагогика институти

тарих кафедраси ўқитувчиси

qaxramonq.792@gmail.com

Аннотация. Тадқиқот Янги Ўзбекистонда Қашқадарё вилояти урбанизацияси жараёни ҳамда уни ривожлантириш концепциясининг инновацион моҳиятини, замонавий шаҳар маданиятини янада юксалтиришдаги аҳамиятини очиқ бериш, Қашқадарё вилояти шаҳарларининг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, вилоятда демографик жараёнлар - туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари таъсирининг ҳудудий хусусиятларини таҳлил этиш, Қашқадарё вилоятида урбанизациялашув натижасида вужудга келган экологик муаммолар сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш йўллари таҳлил қилишдан иборат.

Калит сўзлар: Урбанизация, урбанлашган одам, смогополис, углерод оксиди, трафик буғлар, тўйинган углеводородлар, инфратузилма, эмиссия.

Аннотация. Цель исследования – выявить инновационный характер процесса урбанизации и концепцию его развития в Кашкадарьинской области Нового Узбекистана, его значение для дальнейшего совершенствования современной городской культуры, определить особенности развития городов в Кашкадарьинской области, динамику роста городского населения и его специфические характеристики, проанализировать территориальные особенности влияния демографических процессов – рождаемости и смертности – в регионе, выявить причины экологических проблем, возникших в результате урбанизации в Кашкадарьинской области, и проанализировать пути их устранения.

Ключевые слова: Урбанизация, урбанизированный человек, смог в городе, угарный газ, выхлопные газы, насыщенные углеводороды, инфраструктура, выбросы.

Abstract. The research aims to reveal the innovative nature of the urbanization process and the concept of its development in the Kashkadarya region in New Uzbekistan, its significance in further enhancing modern urban culture, to identify the development of cities in the Kashkadarya region, the dynamics of urban population growth and its specific features, to analyze the territorial characteristics of the impact of demographic processes - birth and

death rates - in the region, to identify the causes of environmental problems that have arisen as a result of urbanization in the Kashkadarya region and analyze ways to eliminate them.

Key words: Urbanization, urbanized man, smog city, carbon monoxide, traffic fumes, saturated hydrocarbons, infrastructure, emission.

Кириш. Урбанизация жараёнларида жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривожлантиришни тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари ва ташкилотлари, олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот йўналишларида дунёдаги тарихий-маданий жараёнларнинг урбанизацияга таъсири, муайян ҳуқуқлардаги урбанизация жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари, турли ҳудудлардаги урбанизация жараёнларининг шаҳарлашувга таъсири, шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти каби кўплаб масалаларни тадқиқ этиш устуворлик касб этмоқда. Бинобарин, урбанизациялашувнинг глобал воқеликка айлангани учун ҳам урбанизация жараёнлари ва уларнинг муаммоларини ўрганиш дунёнинг кўплаб давлатларида жиддий эътибор берилаётган долзарб тадқиқот мавзуларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” асосида шаҳарлар қиёфасини замонавийлаштириш, янги уй-жойлар барпо этиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-маданий муҳитни шакллантириш борасида ислохотлар амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда. “Бу йўналишдаги муҳим вазифамиз мамлакатимиз урбанизация даражасини 2025 йилга қадар 40 фоизга етказиш, бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралардан фойдаланиши учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар яратишдан иборат. Аҳолимиз учун олис-олис қишлоқларда ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган яшаш шароитлари яратиш – муҳим вазифамиздир. Аҳолини, энг аввало, эҳтиёжманд ва ёш оилаларни арзон ва замонавий, қулай уй-жой билан таъминлаш, аҳоли учун яшаш жойи атрофида иш жойлари яратиш, аҳолининг ичимлик суви, электр энергиясидан фойдаланиш имкониятини янада ошириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттирамиз”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини ривожлантиришга оид концептуал ғоялар Биринчи Президент И.А.Каримов, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида очиб берилган. Мамлакатимизда урбанизация жараёнларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий омилларига оид илмий тадқиқотлар кўп бўлмаса-да, унинг баъзи жиҳатлари тадқиқ етилган. Масалан, А.А.Хусеинова, З.Қодирова, П.Р.Қурбонов, М.М.Эгамбердиева, К.Н.Полвонов, А.С.Турсунов ҳамда Қ.Б.Саидовлар томонидан урбанизация ва мигратсия масалалари ҳамда шаҳар ва қишлоқ муносабатларининг интеграциялашуви масаласини тизимли ёндашув асослари ўрганилган. С.Алимов,

Д.Исроилова асарлари¹⁰²да миграция жараёнлари меҳнат бозорини тартибга соладиган, иқтисодий тараққиёт суръатларига таъсир кўрсатадиган омил сифатида тавсифланади. Ҳ.Ю. Саломова ва С.Раҳимова шаҳарлардаги экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида тадқиқот олиб борган. Жанубий вилоятлар шаҳарлари ва туманлари тарихи П.Равшанов ва М.Худойкуловларнинг тадқиқотларида янгича руҳда баён этилган[1].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА. Урбанизация билан экология орасида ўзига хос ғоят муҳим боғланишлар мавжуддир. Фан-техника тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш каби жараёнлар ҳам урбанизацияга маълум маънода таъсир қилади. Айни вақтда урбанизация экологик муҳитга ўзининг таъсирини кўрсатади. Жумладан, бу жараён ривожланган минтақаларда экологик муҳитнинг бузилишида кузатилади. Чунки, урбанизация даражаси юқори бўлган минтақаларда саноат корхоналари, завод ва фабрикаларнинг кенг кўламда ташкил этилиши, уларнинг юқори кўрсаткичларда ҳудудий мужассамлашуви атроф-муҳитга сезиларли зиён келтиради.

Урбанизация атроф-муҳит ифлосланишининг асосий омили ҳисобланади, йирик шаҳарлар аҳолиси уларни смогополис деб аташади, улар атмосферани 75% га ифлослантиради. Олимлар урбанизациянинг табиатга кимёвий таъсирини ўрганишди ва катта шаҳарларнинг ифлослантирувчи таъсирини яна эллик километр масофада кузатиш мумкинлигини аниқладилар. Керакли маблағларнинг этишмаслиги шаҳар атроф-муҳитини яхшилаш, кам чиқиндили технологияларга ўтиш, қайта ишлаш корхоналарини қуриш йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда.[2]

Автомобиль ҳавони ифлослантирувчи энг катта манба ҳисобланади. Асосий зарар углерод оксидидан келиб чиқади, бунга қўшимча равишда, одамлар углеводлар, азот оксидлари, фотокимёвий оксидловчиларнинг салбий таъсирини ҳис қилишади. Урбанлашган одам ҳар куни кислород танқислиги, шиллиқ қаватларнинг, нафас йўллариининг чуқур қисмларининг тирнаш хусусияти билан таъсирланади, бунинг натижасида ўпка шиши, шамоллаш, бронхит, ўпка саратони, юрак-қон томир касалликлари, туғма нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин.

Шаҳар аҳоли пунктларининг ўсиши биосферага салбий таъсир кўрсатмоқда ва бу таъсир йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Трафик буғлари, транспорт воситаси, эмиссия, саноат корхоналари, иссиқлик ва электр станцияларининг барчаси урбанизация оқибатлари бўлиб, бунинг натижасида атмосферага азот диоксиди, водород сулфиди, озон, тўйинган углеводородлар, бензопирен, чанг киради. Дунёнинг йирик шаҳарларида улар аллақачон тутунга эътибор беришни тўхтатдилар. Урбанизация нима эканлигини ва у қандай хавф туғдиришини кўпчилик тўлиқ тушунмайди. Агар шаҳар кўчалари кўкаламзорлаштирилса, биосферага салбий таъсир камайган бўларди[3].

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврининг дастлабки йилларда шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида айрим муаммолар юзага келди. Айниқса, бу муаммолар йирик, асосан оғир саноат тармоқларига ихтисослашган

шаҳарларда бироз жиддий тус олди, уларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари пасайди, ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал этиш ҳам муҳим бўлиб қолди.

“Бугун олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни теаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибти.

Бизнинг ваизафамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлаб қолишдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслик кераки, табиий ресурслар – келажак авлодимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур”[4].

Республикада урбанизациялашув объектив, дунёвий хусусиятга кўра тез фурсатлар билан ривожланиб бормоқда, аммо бу ривожланишнинг яъни урбанизациянинг ўзига хос томонлари бўлиб ижтимоий, иқтисодий сфераларга, табиий ресурсларга ўзларининг салбий таъсирларини кўрсатмоқда. Шаҳар аҳоли пунктларининг ўсиши билан боғлиқ экологик муаммолар кўзга яққол ташланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида табиий географик ва геоэкологик муаммолар уларнинг саноат шаҳарларида учраб турибди. Қашқадарё вилоятининг шаҳарларида тоза ичимлик сувининг етишмаслиги, Сурхондарё вилоятида эса, шамолларнинг таъсири, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида об-ҳавонинг ноқулайликлари, Тошкент шаҳрида аҳолининг зичлиги атмосферанинг ифлосланиши, шовқин-сурон кунларнинг кўп бўлиши, Тошкент вилоятида эса, саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар, шаҳар инфратузилмасига ва аҳолига жуда ҳам ёмон таъсир кўрсатмоқда[5].

Шаҳарлар аҳолисининг зичлиги, турли саноат корхоналари, ишлаб чиқариш объектлари, транспорт ҳаракати воситаларининг кўплиги билан изоҳланадиган яшаш манзили ҳисобланади. Буларсиз замонавий шаҳарларни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти туфайли мамлакат иқтисодиёти катта фойда кўришини эътироф этган ҳолда уларнинг атроф –муҳига зарарли таъсирини ҳам айтиб ўтиш зарурдир.

Аввало атроф – муҳитга чиқарилган заҳарли моддалар таъсири натижасида инсон саломатлиги жиддий зарар кўриши кузатилмоқда. Жумладан, турли юқумли касалликлар, асаб, юрак қон томир тизими, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг келиб чиқиши аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича саноатлашган шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши сурункали бронхит, пневмония, эмфизема каби касалликлар тарқалишининг бош сабаби экан. Бу каби ҳолатлар ўпка ракиннинг келиб чиқишига ҳам асос эканлиги кузатилган. ЮНИСЕФ ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра дунёда 40% аҳоли антисанитар шароитда яшайди, ҳозирда 80% касалликлар экологик муҳитнинг бузилиши натижасида келиб чиқмоқда[6].

ХУЛОСА. Қашқадарё вилояти шаҳарларида экологик ва табиий географик муаммолар талайгина. Қашқадарё шаҳарлари экологик вазияти республиканинг sanoatlashgan шаҳарларига nisbatan ijobiy бўлсада, йилдан – йилга Қарши, Касби, Косон, Миришкор, Нишон, Муборак каби шаҳарларда яққол кўзга ташланиб бормокда. Бу шаҳарларнинг экологик муҳити ёмонлашувининг ўзига хос жиҳатлари ортиб бормокда. Бунга мазкур шаҳарларда табиий иқлим шароитларининг ноқулайлиги билан бирга, мавжуд ёғ-мой, шароб-вино, газни қайта ишлаш заводлари ишлаб чиқариш технологияларининг эскирганлиги, шаҳар автомобиль транспорти ва маиший чиқиндиларидан ажралаётган зарарли моддалар миқдорининг ортиб бораётганлиги сабаб бўлмокда.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, sanoat korxonalari (айниқса, атроф-муҳитни ифлослантирувчи) аслида шаҳар ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлиб, уларнинг таъсири турли даражада ифодаланади. Бунда шамолнинг йўналиши ва тезлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, шаҳар планировкасида аҳоли ва sanoat ҳудудларини ташкил этиш ва умуман шаҳар тизимини бошқаришда мавжуд экологик вазият ҳисобга олиниши зарур. Шунингдек, урбанизациялашув даражаси экологик муҳитга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб боради. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун шаҳарларда зарурий чоралар кўрилмокда. Аввало шаҳар мусаффолигини сақлаш учун кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириб борилиши тақоза этилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида экологик муҳитга таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш учун зарурий чоралар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021.- 206 б
2. Xuseynova A.A. Globalizatsiya va migratsiya // Jamiyat va boshqaruv. 2008. № 3.А. Қодирова. Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда меҳнат миграциясининг халқаро миқёсда тартибга солиниши / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали - 2015 № 3 Б.1-9
3. Qurbonov P.R. Janubiy Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари Тошкент “MUMTOZ SO‘Z”2019 В-39 Эгамбердиева М.М. Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарлар ривожланишининг минтақавий муаммолари (Тошкент вилояти мисолида). Геогр. фан. номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация.— Т., 2008. —163 б.
4. Полвонов К.Н. Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожланиши тарихи (1970–2016 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Термиз. 2021. – 48 б.;
5. Турсунов А.С. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизация жараёнлари (тарихий таҳлил, 1991–2010 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Термиз. 2021. – 46 б.;
6. Sayidov Q.B. Shahar urbanizatsiyasi va uning ijtimoiy-madaniy rivojlanishga ta'siri. - Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Buxoro. - 2023. 526.

7. Алимов С. Миграцион жараёнлар ва глобал муаммолар: “Ўзбекистондаги илмий-амалий тадқиқотлар” мавзуидаги конф.мат.- Т.:ЎЗМУ, 2020;
8. Исраилова Д.К. Меҳнат миграцияси – иқтисодий ўсишни таъминловчи омил сифатида.// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021, -№6. -С.243-248;
- 8.Саломова Ҳ.Ю. Ижтимоий экология асослари.Тошкент:“Фан ваТехнология” – 2004.– Б. 3.